

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**«КЕЎШИЛДИ»**  
Тошкент педиатрия тиббиёт  
институтининг Кузатув кенгаши раиси  
Алимов А.В.  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 й

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тошкент педиатрия тиббиёт  
институтининг ректори  
Даминов Б.Т.  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 й.

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УСТАВИ**

(янги таҳрирда)

Тошкент - 2023 й.

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**  
Toshkent pediatriya tibbiyot instituti (Toshpti)

**I. Умумий қондалар**

1. Ўрта Осиё Медицина Педиатрия Институти 1972 йилда Министрлар Советининг 1971 йил 23 июлдаги қарорига кўра ташкил қилинган. 1988 йил 22 мартдаги 226-сонли буйруғига асосан ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтиёрига ўтказилган ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ) деб қайта номланган.

2. Тошкент педиатрия тиббиёт институти (матнда кейинги ўринларда “институт” деб юритилади) давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва касбга оид кўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

Институт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлиб, давлат тасарруфидаги муассасадир.

3. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, буйруқлари ва кўрсатмаларига ва мазкур Уставга амал қилади.

4. Институт юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

ТошПТИ жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар 100140, Боғишамол кўчаси, 223.Тел.: 712602850, факс: 712623314,

Институтнинг давлат, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлиқ (қисқа) номи:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ)

Toshkent pediatriya tibbiyot instituti (ToshPTI)

Ташкентский педиатрический медицинский институт (ТашПМИ)

Tashkent pediatric medical institute (TashPMI)

**II. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг**  
**асосий вазифалари**

5. ТошПТИнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий - ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз

Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустақамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий - педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

Институт Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда:

институтнинг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

институтнинг ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш.

### **III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### ***а) Талабалар:***

6. Институт ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс ТошПТИнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

ТошПТИга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

#### **7. ТошПТИнинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;
- институт ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;

- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

- институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

- институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

- институтда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирган, иқтидорли, жамоат ишларида фаол бўлган, чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификатга эга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тақдирда моддий қўллаб-қувватлашниш ва рағбатлантирилиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабалари тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Ислом Каримов, Навоий ва Улуғбек номлардаги Давлат стипендиялари ҳамда бошқа жамоатчилик ташкилотлари томонидан таъсис этилган, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайинланган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Институтнинг Талабалар турар жойига муҳтож талабалар ТошПТИнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, олий таълим муассасаси томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, институтнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га руҳсат этилмайди.

Институтнинг Талабалар турар жойига муҳтож талабаларни талабалар турар жойига жойлаштириш ордер орқали амалга оширилади, ордер Талабалар турар жойи билан таъминлаш бўйича комиссия тавсияси билан 2 ўқув йилига ва биринчи тавбатда чин

етим, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, кам таъминланган оилалардан булган талабарга берилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда талабаларга ўқишдан бўш вақтларида институтнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

12. Институтдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Илгари олий таълим муассасасидан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Институт бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни ТошПТИга ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ни ПҚ-279-сонли Қарори, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМҚ-399-сонли Қарорида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

14. Институт бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда ТошПТИнинг Уставига, Ички тартиб қоидалари ва Талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

15. Ушбу Устав ва “Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ички тартиб қоидалари”, “Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Одоб-ахлоқ кодекси” ва талабалар турар жойларида яшаш қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабаларига нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади:

- 1) ҳайфсан;
- 2) талабалар сафидан четлатиш.

Таълим олувчи талаба (Бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабалари) институтдан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

16. Институт маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар қасаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (қасаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

17. Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

18. Бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабаларига нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти - ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

19. Касаллик пайтида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабалари (ёки унинг ота-онаси) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан деканатга маълум қиладилар.

#### **б) Тингловчилар:**

20. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожланишининг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 160-сонли буйруғи билан тартибга солинади.

Институтда врачларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича олий таълим муассаса мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган бакалавриат ва магистратура талабаларининг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

**в) Олий таълимдан кейинги таълим институти:**

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 22 майдаги 304 – сонли қарори асосида ТошПТИнинг Олий таълимдан кейинги таълим институтида докторантура, таянч докторантура ёки мустақил изланувчилик асосида - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури ҳисобланади ва тиббиётнинг барча ихтисосликлари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва тегишли илмий даражани олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий таълимдан кейинги таълимга қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

таянч докторантура;

докторантура;

мустақил изланувчилик.

**таянч докторантура** - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасиз изланувчилари учун институтда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

**докторантура** - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун институтда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

**мустақил изланувчилик** - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун институтда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.

22. Олий таълимдан кейинги таълим институтларида ўқиш уч йилгача давом этади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун таянч докторантурага кирувчи ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

магистр даражаси ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун), ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарларда, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторантурага кирувчи ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражалар;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий - амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга қўйиладиган умумий малака талаблари ҳисобланади:

**а) фалсафа докторлари учун (PhD):**

умумий ва аниқ тармоқ тадқиқотларининг методологиясини эгаллагани, муаммони малакали тарзда аниқлаши ва асослай олиши, илмий маълумотлар ва материалларни мақсадли тарзда излай олиши, таҳлил қилиши, тизимлаштириши ва умумлаштириш қобилиятига эга бўлиши;

тадқиқот натижаларига асосланиб муаммо мазмунини баён қила билишни, илмий хулосалар ва тавсияларни аниқ ва лўнда ифодалай олиши;  
илмий натижаларни амалиётда жорий этиш этиш учун тақдим қила олиши;

**б) фан докторлари учун (DSc):**

ихтисослик бўйича чуқур фундаментал билимларга эга бўлиши;  
фундаментал тадқиқотларни юқори савияда бажара олиши ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий-амалий муаммоларни еча олиши;  
илмий натижаларни амалиётга жорий этиши.

**в) Олий таълим муассасасининг профессор - ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий - хўжалик ходимлари (персонали)**

23. Институтда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик - техника, маъмурий - хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎзР ВМнинг 2008 йил 1 август “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарорига асосан киритилди).

24. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра



Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тайинланади.

25. ТошПТИнинг **профессор-ўқитувчилар таркиби қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Илмий Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;
- олий таълим муассасасининг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлимларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- институтнинг маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;
- ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;
- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;
- назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;
- талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

26. ТошПТИнинг **профессор-ўқитувчилар таркибининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, муассаса Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;
- иш жараёнида мулоқат қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфёъл муносабатда бўлиш;
- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:
  - а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;
  - б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув абадиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) Институт кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

- муассасанинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

- муассаса жамоатчилиги ишларида қатнашиш;

- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

- замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

- чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

- «Устоз-шогирд» тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнатилган бўлиш;

- қийиниш маданиятига риоя этиш;

- республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

- муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

- дарсларни юқори савияда ўтиш;

- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

- ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

- рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

- талабалар билимини ҳолисона баҳолаш;

- янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

- талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш;

27. Муассаса профессор-ўқитувчилари, ходимларининг чет элга хизмат сафарларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 17.08.2017 йилдаги 459-сонли буйруғи асосида амалга оширилади.

28. Институтнинг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир мартаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

29. Институтнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олий таълим муассасасининг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

#### IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

30. Институти қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

##### **1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура):**

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (бакалавриат) ўқув шакли

##### А. Олий таълим йўналиши.

Таълимнинг кундузги шакли

60910300- «Педиатрия иши» (Умумий амалиёт педиатри)

60910200- «Даволаш иши» (Умумий амалиёт шифокори)

5111000- «Профессионал таълим» (5510100 Даволаш иши» (Умумий педиатр - педагог)

350501 - Халқаро факультет даволаш иши

350502 - Халқаро факультет педиатрия иши

60911200- «Олий ҳамширалик иши» (олий маълумотли ҳамшира)

60910600 - Тиббий биология иши

609111000 - Халқ таълим б.и.

##### **2). Магистратура мутахассисликлари\***

Таълимнинг кундузги шакли

<b>шифр</b>	<b>Мутахассислик</b>
70910201	Акушерлик ва гинекология
70910202	Эндокринология
70910203	Терапия
70910204	Оториноларингология
70910205	Кардиология
70910206	Офтальмология
70910310	Болалар юқумли касалликлари
70910207	Юқумли касалликлар
70910208	Дерматовенерология
70910209	Неврология
70910211	Психиатрия
70910212	Хирургия
70910227	Тиббий радиология
70910216	Тиббий психология
70910221	Травматология ва ортопедия
70910224	Шошилиш тиббий ёрдам
70910215	Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш

70910214	Нейрохирургия
70910218	Морфология
70910313	Нейрореабилитология
70910203	Нефрология
70910226	Гематология ва трансфузиология
70910301	Педиатрия
70910306	Неонатология
70910311	Болалар аллергологияси
70910303	Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси
70910307	Болалар ва ўсмирлар гинекологияси
70910308	Болалар гастроэнтерологияси
70910304	Болалар кардиологияси ва ревматологияси
70910305	Болалар неврологияси
70910312	Болалар нефрологияси
70910309	Болалар пульмонологияси
70910302	Болалар хирургияси

Олий ўқув юртиданкейинги таълим институти: стажёр тадқиқотчи, таянч докторантура, докторантура ёки ёки мустақил изланувчанлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш.

*\* магистратуранинг янги мутахассисликлари эҳтиёжлардан, тиббиётда тадқиқот йўналишларининг, инновацион технологиялар ривожланишига мувофиқ очилиши мумкин.*

31. Институт таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият - таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 6 йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура - йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

а) **Клиник ординатура** – кадрларни қайта тайёрлаш тизимига кирадиган таълим тури бўлиб врачларнинг узлуксиз касбий таълими кшп пағонлаи тузилмасининг бир қисми ҳисобланади.

Клиник ординатурада ўқиш Вазирлар маҳкамасининг 2009 йил 18 декабргаги № 319- сон қарорини 2 – иловасидаги низом билан тартибга солинади.

Институтда врачларни клиник ординатурада ўқитишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган врачлик мутахассисликлари

номенклатраси бўйича, мутахассисга қўйиладиган ихтисослик талаби асосида тузилган ҳар қайси мутахассислик бўйича ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилади.

ТошПТИ да ҳозирга вақтда клиник ординатурада қуйидаги мутахассисликлар бўйича шифокорлар тайёрланади:

1. Акушерлик ва гинекология
2. Аллергология ва клиник иммунология
3. Асаб касалликлари
4. Анестезиология ва реаниматология
5. Болалар хирургия
6. Болалар анестезиология ва реанимацияси
7. Болалар асаб касалликлари
8. Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси
9. Болалар юқумли касалликлари
10. Болалар нефрологияси гемодиализ билан
11. Дерматовенерология
12. Кардиология
13. Нейрохирургия
14. Неонатология
15. Нефрология гемодиализ билан
16. Наркология
17. Хирургия
18. Онкология
19. Оториноларингология
20. Офтальмология
21. Педиатрия
22. Психиатрия
23. Терапия
24. Тиббий радиология
25. Травматология ва ортопедия
26. Фтизиатрия
27. Эндокринология
28. Эпидемиология
29. Суд тиббиёти

Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети билан қўшма дастурлар асосида клиник ординатуранинг 23та мутахассисликлари бўйича таълим олиш имкони мавжуд. Таълим олувчилар ўқиш муддатининг 50% йилини институтда, қолган 50% йилини эса Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университетида давом эттиришади.

32. Институтда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, олий таълим муассасаси ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан олий таълим муассасаси талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Олий таълим муассасасининг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

33. Институтда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, мустақил иш, ёзма иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши) ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 45 (ёки 40 минутлик танаффуссиз қўшма маъруза) дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади, тушлик учун танаффус – 40 дақиқа.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек, рус ҳамда инглиз тили ҳисобланади.

34. Институтда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

35. ТошПТИда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг ва баҳолаш назорати шаклида олиб борилади. Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом”га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

Институтда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

## **2) Олий таълимдан кейинги таълим институти:**

### **а) фалсафа докторлари учун (PhD):**

03.00.04 - биохимия

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

14.00.02 - Морфология

14.00.03 - Эндокринология

14.00.04 - Оториноларингология

14.00.05 – Ички касалликлар

- 14.00.06 - Кардиология
- 14.00.07 – Гигиена
- 14.00.08 - Офтальмология
- 14.00.09 - Педиатрия
- 14.00.10 - Юқумли касалликлар
- 14.00.11- Дерматология ва венерология
- 14.00.13 - Неврология
- 14.00.14 - Онкология
- 14.00.15 – Патологик анатомия
- 14.00.17 - Фармакология ва клиник фармакология
- 14.00.18 -Психиатрия ва наркологи
- 14.00.19 – Клиник радиология
- 14.00.21 - Стоматология
- 14.00.22 - Травматология ва ортопедия
- 14.00.23 - Ҳамширалик ишини ташкил этиш
- 14.00.24 -Суд тиббиёти
- 14.00.25- Клиник-лаборатор ва функционал диагностика
- 14.00.26 -Фтизиатрия
- 14.00.27- Хирургия
- 14.00.28 - Нейрохирургия
- 14.00.30 - Эпидемиология
- 14.00.33 - Жамият саломатлиги. соғлиқни сақлаш менежменти
- 14.00.35 – Болалар хирургияси
- 14.00.36 -Аллергология ва иммунология
- 14.00.37 - Анестезиология ва реаниматология

**б) фан докторлари учун (DSc):**

- 03.00.04 - биохимия
- 14.00.01 - Акушерлик ва гинекология
- 14.00.02 - Морфология
- 14.00.03 - Эндокринология
- 14.00.04 - Оториноларингология
- 14.00.05 – Ички касалликлар
- 14.00.06 - Кардиология
- 14.00.07 – Гигиена
- 14.00.08 - Офтальмология
- 14.00.09 - Педиатрия
- 14.00.10 - Юқумли касалликлар
- 14.00.11- Дерматология ва венерология
- 14.00.13 - Неврология
- 14.00.14 - Онкология
- 14.00.15 – Патологик анатомия
- 14.00.17 - Фармакология ва клиник фармакология
- 14.00.18 -Психиатрия ва наркологи
- 14.00.19 – Клиник радиология
- 14.00.21 - Стоматология
- 14.00.22 - Травматология ва ортопедия

- 14.00.23 - Ҳамширалик ишини ташкил этиш
- 14.00.24 - Суд тиббиёти
- 14.00.25- Клиник-лаборатор ва функционал диагностика
- 14.00.26 -Фтизиатрия
- 14.00.27- Хирургия
- 14.00.28 - Нейрохирургия
- 14.00.30 - Эпидемиология
- 14.00.33 - Жамият саломатлиги. соғлиқни сақлаш менежменти
- 14.00.35 – Болалар хирургияси
- 14.00.36 -Аллергология ва иммунология
- 14.00.37 - Анестезиология ва реаниматология

ТошПТИда 14.00.01 - Акушерлик ва гинекология, 14.00.09 – Педиатрия ва 14.00.11 – Дерматология ва венерология ихтисосликлар бўйича **фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc)** илмий даражасини бериш юзасидан Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

36. ТошПТИ институт кенгашининг тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар ва докторантларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

#### **V. Олий таълим муассасасининг таркиби**

37. Тошкент педиатрия институтининг таркибига қуйидагилар киради:

##### **а) Факультетлар:**

1. I- педиатрия ва халқ таъбири факультети
2. II- педиатрия ва тиббий биология факультети
3. Тиббий – педагогика ва даволаш факультети
4. Халқаро факультет
- 5 Олий маълумотли хамшира иши булими

##### **б) Кафедралар:**

№	Кафедралар номи
1	Ижтимоий фанлар, педагогика ва психология
2	Хорижий тиллар
3	Ўзбек тили ва адабиёти
4	Биофизика, тиббий информатика
5	Тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика
6	Фармакология, физиология
7	Анатомия, патологик анатомия
8	Гистология, патологик физиология
9	Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш



10	Болалар касалликлари пропедевтикаси
11	Факультет педиатрия
12	Шошилинч педиатрия, халокат тиббиёти
13	Госпитал педиатрия №1, халқ таоботи
14	Госпитал педиатрия № 2, халқ таоботи
15	Неонатология
16	Оилавий шифокорлик №1, жисмоний тарбия, фуқаролар муҳофазаси
17	Оилавий шифокорлик №2, клиник фармакология
18	Тиббий радиология
19	Суд тиббиёти, тиббиёт ҳуқуқи
20	Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари, фтизиатрия ва пульмонология
21	Факультет болалар хирургияси
22	Госпитал болалар хирургияси
23	Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси
24	Травматология ва ортопедия, нейрохирургия
25	Эндокринология ва болалар эндокринологияси
26	Ички касалликлар, нефрология ва гемодиализ
27	Хирургик касалликлар
28	Тери ва таносил, болалар тери ва таносил касалликлари, ОИТС
29	Асаб касалликлари ва болалар асаб касалликлари, тиббий генетика
30	Психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психотерапия
31	Офтальмология, болалар офтальмологияси
32	Оториноларингология, болалар оториноларингологияси, болалар стоматологияси
33	Умумий хирургия, топографик анатомия ва оператив хирургия асослари
34	Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси
35	Аллергология, клиник иммунология, микробиология
36	Онкология, онкогематология ва радиацион онкология
37	Болалар онкологияси

**в) Бошқа бўлинмалар:**

Ректорат, ёшлар билан ишлаш, Маънавият ва маърифат бўлими, Ўқув-услубий бўлим, 1-педиатрия ва халқ таоботи факультети, II-педиатрия ва тиббий биология факультети ва Тиббий педагогика ва даволаш факультети, Халқаро қўшма факультет, Малака ошириш факультети (Оилавий шифокорларни қайта тайёрлаш, клиник ординатура ва бирламчи ихтисослаштириш), Олий маълумотли хамшира иши бўлими, Магистратура бўлими, Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими, Илмий-тадқиқотлар ва инновациялар бўлими, Рақамли таълим технологиялари ва ўқитишнинг техник воситалари маркази, Ўқув-симуляция ва талабаларнинг билимини баҳолаш маркази, Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими, Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими, Халқаро алоқалар департаменти, Ахборот-таҳлил ва статистика бўлими, Биринчи

ва иккинчи бўлимлар, Коррупцияга қарши курашиш “Комплеанс-назорат” тизимини бошқариш бўлими, Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими, Талабаларни рўйхатга олиш сектори, Талабаларни ишга жойлаштириш бўлими (Карьера маркази), Илғор технологиялар ва стратегик ташаббуслар Маркази, Талабалар турар жойи №1, №2, Спорт-соғломлаштириш Мажмуаси, Талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлим, Ахборот - ресурс маркази, Таҳририй-нашриёт бўлими, «Педиатрия» журнали муҳаррияти», «Педиатр» газетаси, Илмий тадқиқот лаборатория, Ходимлар бўлими, Ички аудит ва молиявий назорат хизмати, Юристоконсулт, Клиник (ўқув) базалари ва талабалар амалиёти бўлими, ТошПТИ клиникаси, ТошПТИ –клиник базалари, Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими, Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими, девонхона ва архив, Режа-молия бўлими, бухгалтерия, Спорт- соғломлаштириш лагери, Психолог, Котиб иш юритувчилар, Козонхона, Гараж. Белгиланган тартибда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Академик лицей фаолият кўрсатади.

#### **Жамоат ташкилотлари:**

Ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси қўмитаси, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” ЁИХБТ, Хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси, Мураббийлар кенгаши ва х.к.

Институт таркибий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кузатув Кенгаши томонидан белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **VI. Олий таълим муассасасини бошқариш**

38. Институтни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарликликни институт Кенгаши, Кузатув кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

#### **Кузатув кенгашига қуйидаги ваколатлар берилади:**

Институтнинг молия йили учун шакллантириладиган бизнес режаси (унда муассасанинг асосий фаолияти кўрсаткичлари жумладан, муассасада кадрларни тайёрлаш тизимини ташкил этишнинг мақсадлари, режалаштирилаётган натижалари ва тахлили кўрсатилади) ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларни тасдиқлаш ва уларнинг ижросини муҳокама қилиш.

Институт томонидан автотраспорт воситалари, шунингдек, бошқа асосий воситаларни харид қилиш ва уларни ҳисобдан чиқаришга (бино ва иншоотлар бундан мустасно) ҳамда бино иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилишга рухсат бериш;

39. ТошПТИни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1992 йил 9 март 137-ф фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор олий таълим муассасаси фаолиятига, шунингдек, олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили

сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор институтнинг ваколати доирасида:

- институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

- бўйсунувчи вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

- институт проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

- институт ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

- институт таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- институт ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимчаларни белгилайди;

- касаба уюшма кўмитаси ёки институтнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди, жамоа шарномасини имзолайди;

- институтнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилади;

- институтда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган олий таълим муассасаси ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор - ўқитувчилари таркиби ва олий таълим муассасаси ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

- институт Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси Институт Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Институт ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий - методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга руҳсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

40. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ институт фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Институт Кенгаши раиси ректор ҳисобланади, Кенгаш таркибига проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва олий таълим муассасаси ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Илмий Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

41. Кузатув Кенгаши институни бошқарувчи жамоатчилик органи бўлиб унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий хокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва Кузатув, бошқа таълим муассасалар вакиллари киради.

Кузатув Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш тартиби ва фаолияти “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ни Низом билан белгиланади.

42. ТошПТИда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг олий таълим муассасасида сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколат органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан олий таълим муассасаси маъмуриятининг мажбуриятлари қуйидагилардир: талабаларни ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий, оммавий тадбирларни олиб бориш, кам таъминланган, кўп фарзандли ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш. Меҳнат интизоми бузилган ҳолатларда ЎзР меҳнат қонуни бандларига асосанчоралар кўриш ҳуқуқига эга

Амалдаги низомларга мувофиқ институтда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Институт Кенгаши ўз фаолиятида олий таълим муассасаси жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

43. Институт факультетларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган деканлар бошқаради.

Факультет деканлари ўз фаолиятида “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га амал қилади.

“Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га мувофиқ факультетда Илмий кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Илмий кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасаси факультетининг Илмий Кенгаши тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

44. Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида институт Кенгашининг томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

## **VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник база**

45. Институт 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон Қарори, 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон Қарорига мувофиқ молиявий фаолиятни амалга оширади. ТошПТИга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан

бинолар, иншоотлар, мулкый мажмуалар, олий таълим муассасасининг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

Институт фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

Институтга ажратилган ер участкалари олий таълим муассасасига муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

46. Институтга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкый объектларга, олий таълим муассасаси фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинadиган мулкый объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

47. Институт мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни илмий кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

48. ТошПТИнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайерлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов - шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

49. Институтнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Институт шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консалтациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институтнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

50. Институтда лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом” ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Олий таълим

муассасаси ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини олий таълим муассасаси мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

51. Институтда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.

Институт қошидаги тиббий - санитар муассасасига, шунингдек, унинг ҳудудида жойлашган ёки олий таълим муассасасининг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Институтнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **VIII. Халқаро ҳамкорлик**

52. Институт Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

53. Институт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

- хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

54. Институт чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий - педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий - тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек ТошПТИнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

55. ТошПТИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

56. Институт Ўзбекистон Республикаси олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорлигида қуйидаги тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга:

Институт Кенгашининг қарорига биноан хорижий давлатларнинг тегишли ўқув юрти билан бевосита алоқаларни ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш, қонунчиликда елгиланган тартибда ҳамкорликда факультет ва кафедралар ташкил этиш;

талабалар, изланувчилар, педагогик ва илмий ходимлар билан икки томонлама алмашиш дастурида иштирок этиш;

ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар, шунингдек, Институтда фан ва таълимни ривожлантиришга бағишланган илмий конференция, семинар, видеоконференция, конгресслар, симпозиумлар, ярмакалар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш ва иштирок этиш;

хорижий юридик шахсларнинг буюртмалари бўйича фундаментал ва амалий-илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълимни такомиллаштириш халқаро дастурларида иштирок этиш;

бакалаврлар, магистрлар, мутахассислар ва олимлар учун хорижий стандарларга жавоб берадиган давлат стандарларини, ўқув дастурларини тайёрлаш;

талабалар алмашинуви дастурлари асосида малакавий амалиётни ўтиши;

ҳамкорликдаги магистратура мутахассисликларини ташкил этиш;

институт магистратура талабаларининг хорижий стажировкаларни амалга ошириши;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали олий таълим муассасанинг илмий-педагогик салоҳиятини доимий ошириб бориш;

магистрик дастурлари, магистрлик диссертациялари ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича биргаликдаги раҳбарлигини амалга ошириш;

профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш;

ҳамкорликда ўқув-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш;

ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот фаолиятни олиб бориш, жумладан магистратура, PhD ва DSc диссертацияларини ҳамкорликда бажариш;

хар иккала олийгоҳлар ёки илмий марказларнинг ихтисослашган журналларида (тўпламларида) нашрлар;

57. Институтнинг ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

### **IX. Институт фаолиятини назорат қилиш**

58. Институт ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

59. Институт фаолиятини ўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

## Х. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

60. Институт Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қўйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
- таълим жараёни вақтида олий таълим муассасасида таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;
- таълим олувчилар ва олий таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

61. Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

62. Институт Устави Кенгашда муҳокама қилиниб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва кучга киритилади.

Институт Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

63. Мазкур Уставни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий таълим тўғрисидаги қонун, Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилди.